



ДАОСИЗМ ТАЪЛИМОТИДА ИҚТИСОДИЙ ОНГ

Худойкулов Азамат Бешимович

Иқтисодийёт ва педагогика университети
Тарих ва ижтимоий фанлар кафедраси доцент в.б.

E-mail: azamatxudoukulov @ gmail.com

Тел.: +998 (91)-562-77-15

Саидов Шомамуд Азамат ўғли

Турон университети Педагогика ва психология
кафедраси 1-босқич магистрант

E-mail: shomahmudsaidov @ gmail.com

Тел.: +998 (99)-075-77-15

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20536738>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil

Ma'qullandi: 28-may 2026 yil

Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

KEYWORDS

иқтисодий онг, Лао Цзы, wu-wei, иқтисодий тафаккур, табиийлик, Шарқ фалсафаси, иқтисодий маданият.

ABSTRACT

Мазкур мақолада даосизм таълимотида иқтисодий онгнинг шаклланиши, унинг асосий фалсафий асосларива жамият иқтисодий ҳаётида таъсири таҳлил қилинади. Даосизмнинг "тавиийлик", "меъёр", "соддалик" ва "wu-wei" (аралашмаслик) тамойиллари иқтисодий тафаккурнинг муҳим мезони сифатида ўрганилади. Шунингдек, мақолада даосизмнинг бойлик, меҳнат, мулк ва ижтимоий тенглик ҳақидаги қарашлари ёритилиб, замонавий иқтисодий маданият билан қиёсий таҳлил қилинади.

Даосизм қадимги Хитойда милоддан аввалги VI–V асрларда шаклланган фалсафий-диний таълимот бўлиб, унинг асосчиси сифатида Лао-цзи эътироф этилади. Даосизмнинг асосий манбаи ҳисобланган Дао дэ цзин асарида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, камтарлик, меъёрий истеъмол ва ортиқча бойликка интилишдан сақланиш ғоялари илгари сурилган. Ушбу қарашлар иқтисодий онгнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Даосизм иқтисодий фаолиятни табиийлик, мувозанат ва эҳтиёжларга мослик тамойиллари асосида ташкил этишни тарғиб қилади.

Шарқ фалсафаси инсон ва жамият муносабатларини ўрганишда муҳим ўрин тутди. Айниқса, қадимги Хитойда шаклланган даосизм таълимоти нафақат диний-фалсафий қарашлар тизими, балки инсоннинг иқтисодий ҳаётга бўлган муносабатини ҳам белгилаб берган. Даосизм асосчиси сифатида танилган Лао Цзи инсоннинг табиат билан уйғун яшашини энг олий қадрият деб билган. Шу сабабли иқтисодий фаолиятда ортиқча бойлик орттириш, ҳаддан ташқари истеъмол ва сунъий эҳтиёжларни кўпайтириш салбий ҳолат сифатида баҳоланган.

Даосизм иқтисодий онгни инсоннинг табиат қонунларига мос яшаши билан боғлайди. Ушбу таълимотга кўра, иқтисодий тараққиёт инсон маънавияти ва табиий мувозанатни бузмаслиги керак.

Даосизм инсон эҳтиёжларини меъёрида сақлашни тарғиб қилади. Бойлик ортидан қувиш инсонни маънавий таназзулга олиб боради деб қаралади. "Дао дэ цзин" асарида шундай дейилади: "Кимки қаноатни билса, у бойдир" [1,45-бет]

Мазкур фикр иқтисодий онгда истеъмол маданиятининг муҳимлигини кўрсатади. Яъни инсон эҳтиёжлари чексиз эмас, балки оқилона бошқарилиши керак.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Даосизмнинг иқтисодий ва ижтимоий қарашлари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Лао-цзининг «Дао дэ цзин» асари, Чжуан-цзининг фалсафий қарашлари ҳамда замонавий тадқиқотчиларнинг ишлари муҳим манба ҳисобланади. Лао-цзи шундай таъкидлайди: «Кимки қаноат қилишни билса, у бойдир» [2, 35-бет]. **Даосизм** - эрамиздан олдинги IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган ярим фалсафий, ярим диний, синкретик таълимот. Унинг туб ғояси моддий оламдаги буюм ва ҳодисалар турли-туманлигининг моҳиятини таъминловчи, уларнинг мавжудлик сабаби ва манбаини ташкил этувчи "дао" тўғрисидаги тасаввурлардан иборат. Эрамизнинг II асрига келиб бу таълимот асосида диний қарашлар ҳам шаклланиган ва у даосизм номини олган. Бу дин қадимги дуне файласуфи Дао Цзи номи билан боғлиқ "Дао дэ цзин" китобидаги таълимотга асосланган.

Даосизмда моддий олам ҳақида содда диалектика элементлари ҳам мавжуд. У дунёдаги барча буюм ва ҳодисалар ўзгаришда, ҳаракатда, баъзи нарсалар тикланса, бошқалари сўнади, деб ғоят тўғри таълим беради. Аммо коҳинлар бу таълимот асосига диний ғояларни қўйиб, ғоят кўп руҳ ва худоларга ибодат қилишдан иборат диний тизимни яратдилар. Бу дин коҳинлари "даос" номи билан юритилган. Улар учун роҳиблик, дарвешлик қилишдан ташқари, оила қуриш ҳам ман этилмаган. Шу тариқа даосизмда оламни бошқарувчи уч худоликдан иборат худолар пантеони - қароргоҳи (Шан ди, Дао цзи, Пан гу) пайдо бўлган.

Даолик бир жиҳатдан шаманизм ва фолбинлик билан боғлиқ эди, чунки қадимги даволаш услублари фалсафа, айниқса, дао фалсафаси билан ҳамма нарса боғлиқ бўлган. Шаманлар даволаш услубларида инсон танасидаги жараёнларни ташқи фазовий кучлар, ҳар хил руҳлар таъсири билан боғлаб, жодугарлик ва сеҳрдан кенг фойдаланганлар.

Дао назарияси мил. ав. IV-III асрларга келиб ривожлана бошлади. Ижтимоий-сиёсий масалалар ва ахлоқ даолик учун унчалик муҳим эмас эди. Бироқ даолик вакиллари биринчи бўлиб борлиқ, табиат, коинот ҳақидаги тушунчаларни ишлаб чиқа бошладилар. Хитойдаги файласуфлар академиясида даолик назариётчилари Тянь Пень, Сун Цзянь, Инь Вень, Шень Дао, Хуань Юань ва бошқалар тўпланган бўлиб, у ерда ўз фикрларини олға суриб, бетўхтов мунозаралар олиб бордилар ва рисоалар ёздилар. Уларнинг ёзган асарлари ҳозирги кунгача сақланмаган бўлса-да, уларнинг фикрлари даоликнинг асосий манбаси саналадиган "Дао де цзин" рисоласида ўз аксини топган. Мазкур рисола муаллифи, аънага кўра, Лао-Цзи ҳисобланади.

Лао-Цзи мил.ав. III аср ўрталарида яшаган деб тахмин қилинади. Унинг таълимотига кўра, табиат, жамият ва бутун борлиқнинг асоси Буюк Дао ҳисобланади. Дао – йўл, ҳақиқат, тартиб демакдир. Дао ҳақидаги таълимот конфуцийликда бўлган. Чунки дао тўғрисидаги фикрлар конфуцийлик ва даолик шаклланишидан анча олдин вужудга келган, шунинг учун ҳам ҳар икки таълимотда бу нарсалар ўз аксини топган. Дао - ижтимоий меъёрлар, интизом ва ахлоқнинг йиғиндисидир. Даолик вакиллари эса, даога бошқачароқ қараганлар. Яъни, улар учун дао умумий табиат қонуни, бошланиш ва тугашнинг асосидир. Дао тўғрисидаги фикрлар умумлаштириладиган бўлса, дао - бутун борлиқ демакдир. Дао ни ҳеч ким яратмаган, барча нарсалар даодан келиб чиққан ва унга

қайтади. Дао ҳеч кимга кўринмайди, сезги аъзолари уни илғай олмайди. Нимани кўриш, эшитиш, сезиш, англаш мумкин бўлса, у дао эмас.

Даолик таълимотининг асосий моҳиятларидан бири бу дао ва у билан алоқадор табиат фалсафаси ҳамда космогония масалаларидир. Иккинчи асосий нуқта мавжудлик, ҳаёт ва ўлимнинг нисбийлиги ва шунга боғлиқ ҳолда узоқ яшаш, абадий ҳаётга эришиш тушунчасидир. Милоднинг биринчи асри – Хань даврига келиб, абадий ҳаёт масаласи даолик олимларининг асосий муаммосига айланди. Учинчи ва сўнгги масала у вей принциpidир. Даолик фалсафасининг мана шу уч таълимоти Хань асрига келиб даоликнинг шаклланишига асос бўлди.

Милодий II асрга келиб даоликда янги секталар пайдо бўлди. Улардан бири **"Тайпиндао"** (буюк тенглик таълимоти) бўлиб, унинг асосчиси Чжан Цзуэ ҳисобланади. У халқ орасида сеҳр-жоду орқали барча касалликларни тузатувчи ҳамда киши умрини узайтирувчи шахс сифатида шуҳрат топди. Унинг атрофига кўплаб одамлар йиғилдилар. Чжан Цзуэ одамларни 36 жанговор гуруҳга бўлган. Катта гуруҳларга "да фан" катта сеҳргарлар, кичик гуруҳларга "сяо фан" кичик сеҳргарлар бошлиқ этиб тайинланганлар. Сектада юқори бошлиқ Чжан Цзуэ (буюк осмон раҳнамози) саналади. Унинг икки укаси буюк ер раҳнамози ва буюк инсон раҳнамози деб талқин қилинади. Бу учталиқ даосизмнинг осмон, ер ва инсон бирлиги таълимотининг рамзий кўриниши эди. "Тайпиндао" сектаси таълимоти "Тайпинцзин" китобига асосланади.

"Удоумидао" (Беш доу гуруч таълимоти) сектаси ҳам мавжуд бўлиб, унинг асосчиси машҳур даочи Чжан Дао Лин бўлиб, даолик ибодатхонасининг асосчиси ҳисобланади.

Даолик милодий асрнинг биринчи минг йиллиги давомида буддавийлик ва Конфуцийлик билан рақобатлашиб келди. Милоднинг VI асрига келиб, даолик конфуцийликдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган эди. XIII асрдан бошлаб Даолик таълимотининг аниқ асосларга эга эмаслиги ва илк даврдаги юксак таълимотлари турли хурфотлар билан алмашгани туфайли инқирозга юз тутди.

XX аср бошларига келиб, Хитойда турли даолик секталарига қарши кураш бошланди. XX асрнинг иккинчи ярмида Дао тарафдорлари жуда озчиликни ташкил қилди. Ушбу кичик гуруҳлар монахлар, тарғиботчилар ва башоратчиларни ўз ичига олган.

Даосизм дастлаб мулкдорлар ҳокимиятига қарши бўлиб, камбағаллар манфаатини ҳимоя қилган. Кейинчалик эса у ҳукмрон синфларнинг ғоявий қуролига айланган. **Манъчжурлар сулоласи Цин ҳукмронлиги даврида (1644-1911) даосизм диний таълимоти инқирозга учраган. Ҳозирги вақтда даосизм динига эътиқод қилувчилар сони 9 млнга яқин.**

"Wu-wei" тамойили - зўравонликсиз бошқарув ёки ортиқча аралашмаслик тамойили муҳим ҳисобланади. Бу иқтисодий ҳаётда ҳам давлатнинг ҳаддан ташқари назорати ёки сунъий босимига қарши қараш сифатида талқин этилади. Дао Де Цзинда шундай фикр учрайди: "Қанча кўп қонун ва тақиқлар бўлса, халқ шунча камбағал бўлади" [3, 57-бет].

Даосизм фалсафий таълимот сифатида Хитойда мил. ав. биринчи минг йилликнинг ўрталарида конфуцийчилик билан деярли бир вақтда пайдо бўлди. Бу таълимот даставвал бирмунча мавҳум характерга эга бўлиб, дин билан ҳеч қандай алоқаси

бўлмаган. Ушбу таълимот тарафдорлари ҳам конфуцийчилар каби ўз замоналаридаги ҳаракатларга қарши бўлганлар. Даосизм тарғиботчилари ҳам ҳукмдорлар орасидаги тинимсиз урушларни қоралар эдилар. Улар бошқа бир қатор фалсафий таълимотлар қатори орқага – «олтин аср»га қайтишга чақирар эдилар.

Даосизм ўзининг илк кўринишида назариядан кўра кўпроқ амалиётга алоқадор эди. Бу шаманизм, фолбинлик, табиблик билан боғлиқ эди. Чунончи қадимги даволаш услублари фалсафа, айниқса, даосизм фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Шаманлар даволаш услубларида инсон танасидаги жараёнларни ташқи фазовий кучлар, ҳар хил руҳлар таъсири билан боғлаб, жодугарлик ва сеҳрдан кенг фойдаланганлар.

Лао-Цзи мил. ав. VII да туғилган, Конфуцийнинг замондоши ҳисобланади. Қадимги Хитой ёдгорликларида Конфуцийнинг Лао-Цзи билан учрашганлиги, унинг донолигидан ҳайратга тушгани ва уни аждаҳо деб атагани ҳақида ривоят келтирилади.

Даосизм биринчи минг йилликда буддизм ва конфуцийчилик билан рақобатлашиб келди. VI асрга келиб даосизм конфуцийчиликдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган эди. XIII асрдан бошлаб даосизм таълимотининг аниқ асосларга эга эмаслиги ва илк даврдаги юксак таълимотлари турли хурофотлар билан алмашгани туфайли инқирозга юз тута бошлади.

XX аср бошларига келиб Хитойда турли даосизм секталарига қарши кураш бошланди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида даосизм тарафдорлари жуда озчиликни ташкил қилди. Ушбу кичик гуруҳлар монахлар, тарғиботчилар ва башоратчиларни ўз ичига олар эди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда тарихийлик, қиёсий таҳлил, манбашунослик ва тизимли ёндашув усулларида фойдаланилди. Даосизмнинг муқаддас ва фалсафий манбалари таҳлил қилиниб, уларнинг иқтисодий онг шаклланишига таъсири ўрганилди. «Дао дэ цзин»да: «Ортиқча йиғиш катта йўқотишга олиб келади» деган фикр келтирилади [3, 44-бет]. Шунингдек, даосизм қарашлари замонавий иқтисодий қадриятлар билан қиёсий таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар.

Даосизм иқтисодий онгни шакллантиришда ахлоқий омилларга катта аҳамият беради. Замонавий жамиятда истеъмолчилик кайфиятининг кучайиши экологик ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Даосизм эса инсонни меъёрий ҳаёт кечирishга чақиради:

1. Даосизм иқтисодий фаолиятда маънавий масъулиятни кучайтиради.
2. Табиийлик тамойили экологик мувозанатни сақлашга хизмат қилади.
3. "Wu-wei" ғояси иқтисодий бошқарувда эркинлик ва мувозанатни таъминлашга ёрдам беради.

4. Қаноат ва соддалик тамойиллари ортиқча истеъмолни олдини олади.

Хулоса. Даосизм таълимоти иқтисодий онг масаласига фалсафий ва ахлоқий нуқтаи назардан ёндошади. Ушбу таълимотда иқтисодий ҳаётнинг асосий мақсади чексиз бойлик орттириш эмас, балки инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни сақлашдан иборат. Даосизмнинг соддалик, қаноат ва табиийлик ҳақидаги ғоялари бугунги глобаллашув ва экологик муаммолар шароитида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Даосизмда иқтисодий онгнинг асосини қаноат, тежамкорлик ва табиийлик тамойиллари ташкил этади. Таълимотга кўра, инсон ўз эҳтиёжларини меъёрда ушлаши, ортиқча бойлик тўплашга берилмаслиги ва табиат билан уйғун яшаши лозим.

Чжуан-цзи инсон ҳаётида табиийликнинг аҳамиятини таъкидлаб: «Табиатга мос яшаган инсон ортиқча ташвишдан холи бўлади» деб ёзади [4, 78-бет]. Даосизмда «у-вэй» (ҳаракатсиз ҳаракат ёки табиий фаолият) тамойили муҳим аҳамиятга эга. Бу ғоя иқтисодий фаолиятда сунъий тўсиқлар ва ортиқча аралашувларни камайтиришни англатади. Даос файласуфлари давлатнинг иқтисодий ҳаётга ҳаддан зиёд аралашувини маъқулламаганлар.

Даосизм меҳнатни инкор этмайди, балки меҳнатнинг табиат қонунларига мувофиқ ташкил этилишини тарғиб қилади. Бу қарашлар замонавий барқарор иқтисодий ривожланиш концепцияси билан маълум даражада уйғун ҳисобланади. Тадқиқотчи Холмс Уэлчнинг фикрича: «Даосизм иқтисодий муносабатларда соддалик ва эҳтиёж даражасида истеъмол қилишни тарғиб этади» [4, 112-бет].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, даосизм иқтисодий онгда қуйидаги ғояларни шакллантиради:

қаноат ва меъёрий истеъмол;

тежамкорлик;

табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

моддий ва маънавий қадриятлар мувозанати;

иқтисодий муносабатларда адолат ва уйғунлик.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижаларига кўра, даосизм таълимотида иқтисодий онг инсоннинг табиат билан уйғунлиги, қаноат ва тежамкорлик тамойиллари асосида шаклланади. Унда иқтисодий фаолиятнинг мақсади фақат моддий бойлик орттириш эмас, балки маънавий барқамоллик ва ижтимоий мувозанатни таъминлаш ҳисобланади. Винг-Тсит Чан таъкидлайди: «Даосизм инсоннинг маънавий бойлигини моддий бойликдан устун қўяди» [5, 215-бет].

Таклифлар:

Даосизмнинг қаноат ва тежамкорлик ҳақидаги ғояларини иқтисодий тарбия жараёнида кенг қўллаш мақсадга мувофиқ.

Барқарор ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда даосизмнинг табиат билан

уйғунлик тамойилларидан фойдаланиш мумкин.

Шарқ фалсафасининг иқтисодий онгга таъсирини қиёсий жиҳатдан ўрганиш бўйича янги тадқиқотлар ўтказиш лозим.

Ёшларда экологик ва иқтисодий масъулиятни шакллантиришда даосизм меросидан самарали фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Tao Te Ching. Translated by D.C. Lau. – London: Penguin Books, 1963. – 160 б.
2. The Complete Works of Chuang Tzu. – New York: Columbia University Press, 1968. – 384 б.
3. Taoism: The Parting of the Way. – Boston: Beacon Press, 1971. – 256 б.
4. A Source Book in Chinese Philosophy. – Princeton: Princeton University Press, 1963. – 856 б.
5. Chinese Religion: An Introduction. – New York: Routledge, 2002. – 256 б.